



Ким худди менинг таҳоратимдек таҳорат олиб, кейин дунё ашёларига алақсимасдан икки рақъат намоз ўқиса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилажак

Усмон бин Аффон розияллоҳу анҳунинг мавлоси (озод қилган қули) Ҳумрон айтади: «Усмон таҳоратга сув келтиришни буюрдилар. Сўнг идишдан икки қўлига сув қуйиб, уч маротаба ювдилар. Сўнг ўнг қўли билан сув олиб, оғзини чайқадилар ва бурун нафаси билан сув тортиб, уни пишқириб ташладилар, кейин юзини ва икки қўлини тирсаги билан қўшиб уч маротабадан ювдилар, кейин бошларига масҳ тортдилар, кейин икки оёғини уч маротабадан ювдиларда, бундай дедилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни худди шундай таҳорат олганларини кўрдим. Кейин у зот: «Ким худди менинг таҳоратимдек таҳорат олиб, кейин дунё ашёларига алақсимасдан икки рақъат намоз ўқиса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилажак», – дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Усмон розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратларини янада тушунарли бўлиши учун амалий услубда ўргатдилар. Бир идишда сув талаб қилдилар, сувни уч маротаба қўлларига қуйдилар, ундан кейин ўнг қўлларини идишга солдиларда у билан оғизларига сув олиб чайқаб қайта ташладилар. Сўнгра нафаслари билан бурунларининг ичига сув олдиларда, қоқдилар. Сўнгра юзларини уч марта ювдилар. Сўнгра қўлларини тирсак билан қўшиб ювдилар. Сўнгра қўлларини ҳўллаб бошларига бир марта юрғиздилар ва иккита оёқларини қизил ошиқлари билан қўшиб ювдилар. Қилиб битгач Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни шундай таҳорат олганларини кўрганларини хабар бердилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ким у киши каби таҳорат олгач икки рақат хушуъ билан қалбида Раббисини ҳозир қилиб ўқиса, Аллоҳ таоло бу комил таҳорати ва холис намозига уни ўтган гуноҳларини кечириш ила мукофотлашини айтдилар.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

